



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-396 -сон

Termiz sh.

“Ўзбектелеком” АК “Ўзмобиайл” филиали Сурхондарё худудий боғланмага Жарқўрғон тумани “Улуғбек” ва “Қўштепа” маҳаллаларидан “Антенa мачтаси ўрнатиш” учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 22 майдаги ПҚ-4329-сон қарорининг 9-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чикувчи комиссиянинг 2021 йил 26 апрелдаги 03-02/328-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 29 мартдаги 01-03/109-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. “Ўзбектелеком” АК “Ўзмобиайл” филиали Сурхондарё худудий боғланмага Жарқўрғон тумани “Улуғбек” маҳалласи худудидан 50,0 кв.метр (37°30'10,3" 67°24'59,79") ҳамда “Қўштепа” маҳалласи худудидан (37°31'6,91" 67°20'52,54") 400,0 кв.метр жами 450,0 кв.метр бошқа ер майдони “Антенa мачтаси ўрнатиш” учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботиға тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов